

Поэтик ижоднинг, хусусан, бадий мазмуннинг оригиналликка интилиш тамойили янгича айтиш, янгича ифода туфайлигина амалга ошади. Айти шу ижодий-рухий эhtiёж туфайли турфа ифода усуллари кашф этилади ва шеъриятнинг ифода имкониятлари ривожланиб боради. Шу боис ҳам “ифода усуллари асосидаги санъатлар” анча салмоклидир.

Авалло, шуни айтиш керакки, “ифода усули” (“ифода тарзи”, “ифода йўсини”) тушунчаси кўпрок поэтик ифоданинг шаклий томони билан боғлиқ. Шунга кўра, ифода усули асосидаги санъатлар хаамиша маънавий санъатлар билан уйғунликда вокеланади ва шу уйғунлик туфайли, бадий-эстетик киммат касб этади. Ифода усулларининг айнан санъат ходисасига айланишида, ўхшатишнинг ўрни ва ахамияти муҳим. Мумтоз шеърий санъатларни ўрганиш ва ўргатишда кийинчилик тугдирадиган асосий жихатлардан бири – уларнинг бир-бирига ўхшашлиги ҳамда, асосан, коришиқ холда намоён бўлишидир. Бу нарса шеър санъатларига бағишланган асарлардаги турлича карашлар, айрим чалкашликларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Жумладан, профессор Анвар Хожиахмедов “Хусни таълил санъати” номли китобида: “Алишер Навоийнинг хусни таълил санъати ривожига кўшган яна муҳим хиссаси жамият хаёти, ижтимоий адолатсизликларни акс эттиришда ушбу тасвир усулидан мохирина фойдаланишда ўз ифодасини топди. Масалан, шоир каламига мансуб:

Бевафолик тонг эмас элдинки, дехкони азал,

Экмади асло вафо нахли жахон бўстонида, – байтига диккат килсак, одамларнинг бевафолигини таъкидлаётган шоир ўз фикрини бу олам бўстонида вафо кўчатлари экилмагани билан гайритабий тарзда ифодалаётганини кўраимиз”, деб ёзади.

Дархақиқат, бу байтда одамлардаги бевафоликнинг сабаби изохлашмоқда, лекин буни хусни таълил санъати, деб бўлмайди. Чунки, бу ерда гайритабий сабаб кўрсатилаётгани йўқ, аксинча, Навоий учун бу айти хақиқий сабабдир. Шоир одамзоднинг яралиш хамирида, унинг фитратида бевафолик илдизлари бор, деб билади, шуни ўзгачарок тарзда ифодалайди, холос. Иккинчи томондан, ифоданинг структураси бу байтда тафсир санъати сифатида кўлланган, дейишга тўла асос беради. Негаки, шоир аввалига, “элдин бевафолик кўриш хеч ажабланарли эмас”, деган хукми изхор этмоқда, сўнг шу фикрни изохлаш заруратини сезиб, уни тафсир килмок (тушунтириб бермок)да.

Шунга ўхшаш, олим Навоийнинг:

Хатинг ичинда лабингнинг икки холи не ажаб?

Икидур нукта, ёзилур эса хат ичинда жон, – байтида “китобат санъати асосидаги хусни таълил” санъати кўлланган, деб хисоблайди. Холбуки, бу ерда ёрнинг “хати ичида икки хол” борлигига чиройли далил келтирилаётгани йўқ, балки шоирнинг “не ажаб” ибораси билан изохталаб бўлиб колган фикр тушунтириб берилмоқда, яъни тафсир санъати кўлланган. Анвар Хожиахмедов байтни шарҳлаб: “Юзакирок ёндашсак, ушбу мисраларда: “Хатинг ичидан иккита холинг жой олганига ажабланмок зарурияти йўқ. Ахир, хат ёзилганда, жоннинг иккита нуктаси бўлади-ку!” деган маъно англашилади”, деб ёзади. Бизнингча, байтга юзакирок караганда эмас, балки хақиқатда ҳам шу маъно

англашиладики, куйида буни бошка жихатдан асослашга харакат киламиз.

Модомики, тафсир ифода усулларида бири экан, у кўпрок фикрни ифодалаш тарзи, синтактик конструкцияси билан боғлиқдир. Араб ёзувида битилган мумтоз шеърятимиз намуналари хозирги ёзувга ўгирилганда, сир эмаски, айти шу конструкциялар хар доим хам адекват ифодаланмайди. Бунинг сабабларидан бири, араб ёзувида кўлланмаган тиниш белгиларининг хозирги ёзувда мухим ахамиятга эгаллигидир. Зеро, бугунги кун ўқувчиси жумла мазмуни, оханггини идрок этишда тиниш белгиларининг ёрдамига ўрганиб қолган. Юкорида келтирилган байт Навоий асарлари йигирма жилдлигининг учинчи жилдида куйидагича шаклда берилган:

Хатинг ичинда лабингнинг икки холи не ажаб
Икидур нукта, ёзилур эса хат ичинда жон.

Кўриб турганимиздек, бу ерда байтни хозирги ёзувга мослаштириш сираси охирига етказилган эмас. Эхтимол, шу сабабли, Анвар Хожахмедов китобига байтни, биринчи мисра охирига савол аломати кўйган холда киритгандир. Бизнингча, байтдаги жумла курилиши эътиборга олинса, унинг хозирги ёзувга мослаштирилган шакли куйидаги кўринишда бўлиши лозим:

Хатинг ичинда лабингнинг икки холи – не ажаб:

Икидур нукта, ёзилур эса хат ичинда жон.

Бу холда, биринчи мисрада иккита предикат, иккинчи мисрада битта, байт жами учта жумладан таркиб топган бўлади. Буни куйидагича жумлаларга ёйиб кўриш мумкин:

1) хатинг ичинда лабингнинг икки холи (бор);

2) не ажаб (бу ажабланарли эмас);

3) чунки жон сўзи ёзилганда иккита (жим ва нун харфларида) нукта бўлади.

Байтдаги жумлалар ўзаро боғловчисиз кўшма гап колипида боғланган бўлиб, тире биринчи иккита гап орасидаги мазмунан зидликни кўрсатса, икки нукта учинчи гапни изохлашга хизмат килаётганини билдиради. Бундан аён бўлаяптики, мумтоз шеърят намуналарини хозирги ёзувда нашр этишда жумла мазмунига мос тиниш белгиларининг кўлланиши, нафакат, уларнинг мазмуни, балки бадий жозибасини тўғри ва тўла етказишда хам мухим ахамиятга эга экан. Иккинчи томондан, агар тиниш белгилари шу тарзда кўйилса, бизнингча, байтда айнан тафсир санъати етакчилик килаётгани, бошка санъатлар шу санъатни юзага чиқариш воситаси эканига шубха қолмайди.

Эътибор берилса, “ифода усули асосидаги санъатлар”га хос бир хусусиятни, у хам бўлса, ифода усули деганимиз, шунчаки бир колип – скелет, унга жон ва кон бахш этаётган нарса ўзга эканини англаш кийин эмас. Яъни, масалан, шунчаки билиб-билмасликка олиш, риторик сўроқлар бериш ё ажабланишнинг ўзи хали санъат эмас, буларга эстетик қиммат бераётган нарса ўхшатиш экан. Бошкача айтсак, мазкур гуруҳга мансуб санъатлар кўлланган байтларда ифоданинг образлилиги ўхшатиш туйфайли таъмин этилади, ўхшатиш асосида яратилаётган образ ифода конструкциясига эстетик жозоба багишлайди.

Худди шундай холни, масалан, тафриъ санъати мисолида хам кўриш мумкин. Атоуллох

Хусайнийнинг “Бадойиъ ус санойиъ” китобида ушбу санъатга берилган турли таърифлар зикридан сўнг, Кайс Розийдан “тафриъ улдурким, шоир нафй сийгаси била бошлаб, эрмас фалонким, андогу мундогдур, фалондин яхширок ёки фалондин ортиқроқ дер”, деган таъриф келтирилади. Яъни, бунда бирон нарса хакида аввал “бу – бу эмас” дейилади, сўнг эса, ўша нарса хакида, “бу – аслида мана бу” тарзидаги фикр ифодаланади. Демак, тафриъ санъати шеърда жумланинг муайян синтактик схема асосида курилишини такозо этади. Масалан, Навоийнинг куйидаги байтини олайлик:

Лола эрмас, урди ўт гулшанга бир гул хажридин
Ўртаниб хар дам Навоий нола килмоги била.

Яъни, шоир кўриб турганинг лола (лолазор) эмас, балки гул хажрида Навоий чеккан нолалардан гулшанга ўт кетди, дейди. Ифода усулига каралса, бу байтда тафриъ санъати борлиги кўриниб турибди. Лекин уни санъат ходисасига айлантириб, ўқувчини завклантиришига сабаб бўлаётган нарса, “бу эмас – мана бу” тарзидаги колипнинг ўзи эмас, балки ўхшатиш асосида юзага чикаётган муболагадир. Биринчидан, “лола эмас – ўт кетган гулшан”, деганда, инкор асосидаги ўхшатиш бор, яъни, кип-кизил лолазор аланга-оташга ўхшатишмоқда. Иккинчидан, матнда мавжуд бўлмаган, лекин мумтоз шеърият контекстидан анланувчи “ишк – олов” ўхшатиши, шунингдек, калбдаги ишк оловининг “ох-фигон” билан чиқиши ҳам ўхшатиш асосида идрок этилади. Шу ўхшатишларнинг мавжудлиги байтда, “бу эмас – мана бу” колипи оркали муболагали фикрни образли ифодалашга имкон беради.

Кайд этиш жоизки, юкорида зикр этилган китобида Анвар Хожиахмедов биз тахлил килган байтни хусни таълил намунаси сифатида талкин этади. Китоб билан танишганда, олим хусни таълил санъати кўлланган деб тахлил килган бир катор байтларда, аслида, тафриъ санъати кўлланганини кўриш мумкин. Масалан:

Анжум дема, гўёки малойикка туташти
Охим ўки учкунлариким, кўкка етурдим.

Ёки:

Анжум эрмаским, фалак миръоти ичра тушти акс,
Баски, дур сочилди ер узра кўзим уммонидан.

Агар биринчи байтда шоир юлдузлар гужумини ошик охларининг учкунларига ўхшатса, иккинчи байтда кўзидан сочилган дур (кўзёш)ларнинг фалак миръоти (кўзгуси)даги аксига ўхшатмоқда. Бирок хар икки байтда хам ўхшатиш сираси “бу эмас – мана бу” колипида амалга ошмоқда. Иккала холда хам ўхшатиш объекти муболагали бўлгани учун байтларда ўхшатиш ва муболага санъатлари кўлланган, дейиш мумкин. Айни пайтда, бу санъатлар тафрий колипида яхлитлик, тугаллик касб этади, яъни байтдаги етакчи санъат тафрийдир.

Шу ўринда кайд этиш керакки, замондош муаллифларнинг шеърий санъатларга багишланган асарларида тафсир ва тафрий санъатлари эътибордан четда колдирилган бўлиб, факат Вахоб Рахмонов китобида тафрига таъриф берилган. Хусусан, Анвар Хожиахмедов китобларида бу санъатларга ўрин ажратилмагани, юкоридагича холлар келиб чикишининг сабабларидан, деб, кўрсатилиши мумкин. Иккинчи томондан, ушбу санъатларнинг Атоуллох Хусайнийнинг “Бадойиъ ус санойиъ” китобидаги каби маънавий санъатлар каторида санаш хам, бизнингча, хакикатга тўгри келмайди. Чунки, юкорида кўрганимиздек, ифода усуллари, аслида, бир колип бўлиб, улар хар вақт ўхшатиш (ва шу асосдаги муболага, хусни таълил каби санъатлар) билан кўшилибгина мазмун касб этади. Демак, мумтоз адабиётшунослар кайд этган санъатларни кайтадан назарий тавсифлаш бу жихатдан хам мухимлик касб этади. Зеро, юкоридаги мулохазаларимизнинг ўзиёк анъанавий таснифлашдаги лафзий ва маънавий санъатлар ичидан ифода усуллари алохида ажратиб гурухлаш кераклигини кўрсатиб турибди.